

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоровнинг Наврӯз байрами тадбиридаги табриги

Ассалому алайкум азиз юртдошлар,

Хурматли фарғоналиклар,

Қадрли меҳмонлар!

Сиз, азизларни, сизлар орқали барча вилоятимиз аҳлини шарқона янги йил – Наврӯз байрами билан чин қалбимдан самимий табриклайман.

Янгиланиш ва яшариш айёми – Наврӯзи олам юртимизга, элимизга тинчлик-омонлик, шодлик ва фаровонлик олиб келсин!

Мана шу қуттуғ кунда барчангизга сиҳат-саломатлик, баҳт ва омад, хонадонингизга файзу барака тилайман. Ҳар кунимиз шундай гўзал байрамларга, тантаналарга бой бўлсин.

Алишер Навоий бобомиз ёзганидек,

Кўйингга ҳар кун бориб ҳар дам кўрай дерман сени,

Менга ҳар кун байраму ҳар лаҳза Наврӯзи керак.

Бу йилги байрам барча шаҳар ва қишлоқларимизда умумхалқ сайллари тарзида ўтаётгани унга ўзгача файз ва шукуҳ бағишламоқда.

Гўзал ва сўлим Шоҳимардонда бошлаб берилган сайллар, эзгу амаллар бугун вилоятимизнинг ҳар бир маҳалласига кўчки. Дошқозонларда сумалаклар солиниб, халқимиз катта хурсандчилик билан Наврӯзга пешваз чиқмоқда. Бугун вилоятимизнинг мана шу муazzам санъат саройида ташкил этилган сайллардан ҳам буни яққол кўриш мумкин. Аҳиллик, ҳамжиҳатлик бўлган жойда албатта, тинчлик, ободлик бўлади. Зоро, азалий ва қадимий Наврӯз байрамининг нишонланиши замирида ҳам меҳр-оқибат, боқий қадриятлар, эзгу фазилатлар мужассам.

Халқимизнинг энг қадимий ва умрбоқий байрами Наврӯз – деҳқончилик, ризқ-рӯз байрами ҳамdir. Бугун миришкор деҳқон ва фермерларимиз катта орзу-ниятлар билан янги меҳнат мавсумини бошламоқдалар, улкан мақсад ва режалар билан дала сари йўл олмоқдалар. Ниятимиз – йилимиз қуттуғ келсин, ҳосилимиз мўл бўлсин.

Вилоятимизда барча соҳаларда юксак натижаларни қўлга киритиш мақсадида улкан режалар ва мақсадларни белгилаб олганмиз. Албатта, бу йил ҳам Фарғона учун юксалиш йили бўлади. Барчамиз жонажон Ўзбекистонимизнинг тараққиёти учун яқдил бўлиб, меҳнат қилсак, кўзланган мақсадларга эришамиз.

Қадрли юртдошлар!

Наврӯз ўзининг буюк қудрати билан табиатни уйғотаётган бўлса, Мухтарам Президентимиз бошчиликларида мамлакатимизда олиб борилаётган адолатли сиёсат ҳамда ҳалқ розилиги йўлидаги буюк ислоҳотлар жамиятни, халқимизнинг онгу тафаккури, бекиёс салоҳиятини уйғотмоқда. Эртанги кунимизга, ўз куч ва имкониятларимизга бўлган ишончимиз ҳар доимгидан ҳам мустаҳкам бўлиб бормоқда.

Жорий йилнинг 30 апрель куни юртимизда муҳим сиёсий тадбир – “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида”ги Конституциявий Қонун лойиҳаси бўйича умумхалқ референдуми ўтказилади.

Янгиланаётган Конституция халқимиз хоҳиш-иродасининг ифодаси – ҳақиқий ҳалқ Конституцияси бўлиши билан аҳамиятлидир. Мухтарам Президентимиз қайд этганларидек, “ҳар 2 бир ватандошимиз “Янги Ўзбекистон Конституцияси – менинг Конституциям” деб юксак ғурур билан айта олади”. Мамнуният билан айтиб ўтиш лозимки, инсоннинг қадр-қиммати, шаъни ва ғурури устувор мақсад қилиб олинган Бош қомусимизнинг янги таҳрирдаги варианти бўйича умумхалқ

муҳокамаларида вилоятимиз аҳолиси ҳам фаол иштирок этиб, ўзларинг кўплаб таклифларини беришди.

Янгиланаётган Конституциямиз юртимиз ва халқимизнинг эртанги фаровон ҳаёти учун мустаҳкам ҳуқуқий асос ҳамда ишончли кафолатдир. Референдумда барчангизни фаол иштирок этишга, юрт тақдирига бефарқ бўлмасликка чақираман.

Ишонаманки, Фарғона аҳли Янги Ўзбекистонни қуриш ғояси атрофида Юртбошимизга камарбаста эканлигимизни умумхалқ референдумида яқдиллик билан ифодалаймиз.

Хурматли юртдошлар!

Бугун Фарғонада катта байрам. Фурсатдан фойдаланиб, яна бир бор суюкли ва ардоқли Наврӯз байрами билан барчангизни чин қалбимдан табриклайман!

Қадимдан ота-боболаримизда йил бошида яхшилик ҳамда эзгуликни ният айлаш одат бўлган.

Наврӯз юртимизга тинчлик-хотиржамлик, баҳту саодат, турмушимизга қут-барака олиб келсин!

Барча эзгу ният ва мақсадларимиз амалга ошсин! Она Ватанимиз фаровон бўлиб, жонажон юртимиз обод бўлсин! Наврӯз айёми барчамизга муборак бўлсин!

Ҳар кунимиз Наврӯз бўлсин!

2023-03-20 19:23:47